

Қизамиқ (rubeola)

Қизамиқ нима?

Қизамиқ - қизамиқ вируси келтириб чиқарадиган оғир касаллик. У одамдан одамга жуда осон юқади ва касалликнинг тарқалишига олиб келиши мумкин. Вакцина оммалашгунча, кўпчилик болалик даврида қизамиқ билан касалланган эди. Ҳозирда бу касаллик АҚШда камдан-кам учрайди, бироқ у ҳали ҳам кўп мамлакатларда кенг тарқалган.

Қизамиқ кимга юқади?

Қизамиқ болаликдаги касаллик деб ҳисобланса-да, у ҳар қандай ёшдаги одамларга юқиши мумкин. АҚШда у кўп ҳолларда эмланмаган чақалоқлар, болалар ва ўсмирларда учрайди. Катталарнинг юқори хавф гуруҳига коллеж талабалари, чет эллик саёҳатчилар ва тиббиёт ходимлари киради.

Қизамиқ қандай тарқалади?

Қизамиқ - энг юқумли касалликлардан биридир. Қизамиқ вируси ҳаво орқали ёки касалланган одамнинг бурни ёки оғзидан ажралмалар билан тўғридан-тўғри алоқа қилинганда юқади. Қизамиқ вируси қизамиқ билан касалланган одам кирган хона ҳавосида 2 соатгача сақланиши мумкин.

Қизамиқнинг белгилари қандай?

Қизамиқ белгилари одатда икки босқичда намоён бўлади. Биринчи босқичда кўпчилик одамларда иситма, бурун оқиши, кўз қизариши ва йўтал кузатилади. Икинчи босқич 3-7 кундан кейин бошланади, юзда қизил доғли тошмалар пайдо бўлиб, бутун танага тарқалади. Одатда тошмалар 5-6 кун сақланади. Милк ва оғизнинг лунж шиллиқ пардасида "Коплик доғлари" деб номланган майда оқ доғлар пайдо бўлиши ҳам мумкин.

Касаллик юққандан кейин аломатлар қанча вақтдан кейин пайдо бўлади?

Касаллик аломатлари қизамиқ юққандан кейин 7-21 кун ичида, ўртача ҳисобида 10 кундан кейин пайдо бўлиши мумкин. Тошмалар одатда касаллик юққангандан кейин 14 кун ичида пайдо бўлади.

Қизамиқ қандай даволанади?

Даволаш касаллик аломатларини енгиллаштиришга қаратилади, чунки тана вирус билан курашади. Даволашда суюқликлар ва иситма ёки оғриқни назорат қилиш учун дорилар, бактериялардан иккиламчи инфекцияларни даволаш учун антибиотиклар ҳамда А витамини қўлланилади.

Қизамиқни қандай қилиб олдини олиш мумкин?

Қизамиқ ва юқумли касалликларнинг олдини олишнинг энг яхши усули бу иложи борича кўпроқ болаларни эмлашдир. Барча болаларга қизамиққа қарши икки дозали эмлаш тавсия этилади. Қизамиқ, қизилча ва тепкига (КПК) қарши эмлашнинг биринчи дозаси боланинг 12-15 ойлигида, иккинчи дозаси эса болалар боғчасига боришдан олдин (4-6 ёшда) қилиниши керак. Катталар ва АҚШдан ташқарисида саёхат қилаётганлар, шу жумладан 6 ойдан ошган чақалоқлар учун қўшимча тавсиялар мавжуд.

Инфекцияланган одам қанча вақт давомида қизамиқдан юқумли бўлиши мумкин?

Одам қизамиқ вирусини илк иситмалаш вақтидан бошлаб (одатда тошма бошланишидан тўрт кун олдин) тошма пайдо бўлганидан тахминан тўрт кун ўтгунча юқтириши мумкин. Иммунитети заиф бўлган беморлар бутун касаллик давомида вирусдан юқумли бўлиши мумкин.

Қизамиқ билан боғлиқ қандай асоратлар бор?

Кўпинча ёш болаларда ўрта қулоқ инфекциялари, пневмония, томоқ бўғилиши ва диарея учрайди. Энсефалит (миянинг яллиғланиши) камдан-кам ҳолларда пайдо бўлиши мумкин. Қизамиқ туфайли ўлим ҳолатлари АҚШда жуда кам, ҳар 1000 та ҳолатнинг 1-3 тасида учрайди. Қизамиқ 5 ёшгача бўлган болаларда ва 20 ёшдан катта бўлган одамларда оғирроқ кечади.

Қизамиқ билан касал бўлган одам такроран касалланиши мумкинми?

Йўқ. Қизамиқ билан касал бўлган одам у билан такроран касал бўлмайди.

Қандай қилиб қизамиқ тўғрисида қўшимча маълумот олишим мумкин?

- Қизамиқ ҳақида ташвишланаётган бўлсангиз, шифокорингизга мурожаат қилинг.
- Маҳаллий тиббий ёрдам бўлимига қўнғироқ қилинг. Маҳаллий тиббий ёрдам бўлимларининг каталоги қуйидаги манзилда жойлаштирилган:
<http://www.vdh.virginia.gov/local-health-districts/>.
- Қизамиқ масалаларда Виржиния соғлиқни сақлаш бошқармасининг веб-сайтига ташриф буюринг:
<http://www.vdh.virginia.gov/measles>
- Касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш марказларининг веб-сайтига қуйидаги манзил орқали ташриф буюринг <http://www.cdc.gov/measles/index.html>.

Сентябрь 2021 й.